

“ЮЗЛАШТИРИШ ТЕРГОВ ХАРАКАТИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ”

Ҳ.Д.Абдухалилов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси
ўқитувчиси, катта лейтенант

Ф.И.Исроилов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 2-ўқув курси
227-гуруҳ курсанти, сафдор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11145033>

Аннотация: Ушбу мақолада, жиноятларни тергов қилиш ва исботлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган юзлаштириш тергов ҳаракати ва унинг мазмун-моҳияти илмий-амалий жихатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тергов ҳаракатлари, юзлаштириш, шахсни айблаш, ҳукм қилиш, кўрсатмалар.

Аннотация: В данной статье очное следствие, имеющее особое значение в расследовании и доказывании преступлений, и его содержание анализируются с научной и практической точки зрения.


Ключевые слова: следственные действия, очная ставка, обвинение лица, осуждение, показания.

Annotation: In this article, face-to-face investigation, which is of particular importance in the investigation and proof of crimes, and its content are analyzed from a scientific and practical point of view.

Keywords: investigative actions, confrontation, accusation of a person, conviction, testimony.

Шахсни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида назарда тутилган бирон-бир жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда айбли деб топиш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 82- моддасида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун албатта жиноят ишини тергов қилиш вақтида суриштирувчи, терговчи томонидан амалдаги ЖПК нормалари асосида тўпланган, текширилган ва баҳоланган далилларга таянилади.

Жиноят процессида далил деганда ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли ёки айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий



маълумотлар тушунилади¹. Бундай далилларн тўплаш албатта тергов ҳаракатлари ва жиноят процессуал қонунчилигида назарда бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш орқали тўпланади ва процессуал ҳужжатларда расмийлаштирилади.

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойида текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ амалга оширадиган, жиноят ишининг ҳолатларини аниқлаш учун аҳамиятга эга фактик маълумотларни топиш, текшириш ва қайд этишга қаратилган процессуал ҳаракатлар тергов ҳаракатлари дейилади.

Процессуалист олим И. Е. Быховский тергов ҳаракатларини терговчининг ҳамда қонун билан ваколат берилган бошқа шахснинг дастлабки тергов босқичида ҳамда янги очилган ҳолатларни тергов қилишда далилларни аниқлаш, текшириш, қайд этиш ва олиб қўйишнинг жиноят-процессуал ҳуқуқ асосида ва унга мувофиқ равишда амалга оширадиган билиш фаолияти» сифатида таърифлаган.

Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш чоғида ҳал қилинадиган вазифаларига кўра, ҳаракатларнинг ўзи икки мустақил гуруҳга бўлинади:

1) суриштирув органи, терговчи ёки прокурор дастлабки (судгача бўлган) тартибда далилларни аниқлаш, текшириш ва қайд этиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда фойдаланадиган ва тадқиқот хусусиятига эга бўлган тергов ҳаракатлари;

2) аввало, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бошқа тергов ҳаракатлари. Биринчи гуруҳ тергов ҳаракатларига батафсилроқ тўхталамиз. Далилларни аниқлаш, қайд этиш ва текширишда фойдаланиладиган тергов ҳаракатларига

¹ Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 81-моддаси, 2021 йил январь.

қуйидагилар хосдир: – сўроқ қилиш (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, баъзан эса мутахассис ва экспертни);

- юзлаштириш;
- таниб олиш учун кўрсатиш;
- кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- кўздан кечириш;
- гувоҳлантириш ва бошқалар.²

Ҳар қандай ҳолда ҳам барча тергов ҳаракатларига қўйиладиган ўзгармас талаб шундаки, у фақат етарли асослар бўлгандагина ўтказилиши керак.

Тергов ҳаракатининг асосланганлиги ҳар қандай мажбурлаш ёки кимнингдир ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш фақат ҳақиқатан ҳам зарур бўлганда, яъни муайян вазият шартшароитлари билан оқлангандагина юз беришини билдиради.

Тергов ҳаракатига қўйиладиган бошқа бир талаб шундаки, у қонуний бўлиши керак, яъни уни амалга оширишда қонунда белгиланган процессуал тартибга қатъий риоя этилиши шарт. Бу эса йўл қўйиладиган ва йўл қўйилмайдиган ҳаракатлар доирасини назарда тутди. Бу билан тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатланиши билан бирга, айти пайтда, бунда олинadиган фактик маълумотларнинг процессуал яроқлилиги, бошқача айтганда, муайян иш бўйича уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йили 2 майда қабул қилган «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сонли қарорида: «Қонунни бузган ҳолда олинган ҳар қандай далил ҳукмга асос қилиб келтирилиши мумкин эмас»³, деб тушунтириш берилади.

Тергов ҳаракатларини юритиш муара равишда ахлоқий принциплар ва нормаларга асосланиши керак. Хусусан, уларнинг исталган турини ўтказишда ишда иштирок этувчи шахслар ва атрофдаги кишиларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўйилмайди. Инсон соғлиғига хавф туғдириш тақиқланади. Бунда фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ўтказишга йўл қўйилади. Жиноят иши

² Быховский И.Е. Процессуальные и тактические вопросы системы следственных действий: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - М., 1976. - С. 6-7.

«Жиноят прокессуал хукуки» дарслик ТДЮУ Тошкент 2018.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари туплами. 1991-1997. I том. - Т., 1997.

қўзғатилгунча ўтказилиши рухсат этилган тергов ҳаракатлари (кўздан кечириш, ушлаб туриш, экспертиза)гина бундан мустасно.

Тергов ҳаракатларининг бориши ва натижалари суд учун далил бўлиб хизмат қиладиган тегишли баённомаларда қайд этилиши керак. Тергов ҳаракатларининг натижаси, одатда баённомаларда мустаҳкамланади, бир қатор ҳолатларда эса қарор бўйича ўтказилади. Жиноят иши бўйича илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатмалари ўртасида жиддий қарама-қаршилиқлар бўлганда юзлаштириш ўтказилади.

Бу қарама-қаршилиқларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказиладиган юзлаштириш аслида сўроқ қилиш турларидан биридир. Унда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилинишлари мумкин.

Юзлаштириш бир вақтнинг ўзида икки шахсни сўроқ қилиш орқали улар томонидан илгари берилган кўрсатувлар жиддий қарама-қаршилиқларни бартараф этиш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳисобланади. Бу икки шахсларнинг илгари берган кўрсатувлари ўртасидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этиш, воқеа тафсилотлари юзасидан ҳақиқатни акс эттирувчи маълумотни аниқлаш ва унга тегишли ҳуқуқий баҳо бериш учун амалга оширилади.

Илгари сўроқ қилинмаган шахслар ўртасида юзлаштириш ўтказиб бўлмайди. Мабодо илгари сўроқ қилинган шахсларнинг маълум бир воқеа ҳақидаги кўрсатувларида қарама-қаршилиқлар жиддий бўлмаса ва аниқланиши лозим бўлган ҳолат иш бўйича хулоса мазмунига таъсир қилмаса, юзлаштириш ўтказилмайди. Терговчи шахсларнинг кўрсатувларидаги қарама-қаршилиқлар жиддий ёки жиддий эмаслигини мустақил равишда белгилайди.

Агар илгари сўроқ қилинган шахс бошқаларнинг кўрсатувини инкор қилиш учун юзлаштириш ўтказилишини талаб қилса, лекин бундай зарурият бўлмаса, терговчи талабни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Терговчи ўз қарорида юзлаштириш лозим эмаслиги ҳақидаги ўз асосларини батафсил баён қилиб бериши шарт. Юзлаштириш илгари берилган кўрсатувларни такрорлаш ёрдамида далиллар саноғини сунъий ошириш учун ўтказилмаслиги зарур.

Юзлаштириш жиноят ишини тергов қилишда энг кўп ўтказиладиган тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади. Мазкур тергов ҳаракати орқали суриштирувчи, терговчи гувоҳлардан, гумон қилинувчи, айбланувчи ва



бошқа иштирокчилардан олинган далиллар(кўрсатмалар) асосида иш бўйича ҳақиқатни аниқлайди.

Юзлаштириш бир тарафдан гумон қилинувчи, айбланувчи ва иккинчи тарафдан гувоҳлар ўртасида ўтказиш чоғида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳимоячиси иштирок этиши мумкин. Қонунда гувоҳларни ҳам ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган (ЖПКнинг 661 - моддаси). Мабодо гумон қилинувчи билан гумон қилинувчи, айбланувчи билан айбланувчи ўртасида юзлаштириш ўтказилганида улардан биронтасининг ҳимоячиси иштирок этса, албатта иккинчисининг ҳам ҳимоячиси иштирок этиши талаб этилади. Акс ҳолда, иккинчи шахснинг ҳимояга нисбатан бўлган ҳуқуқи бузилган ҳисобланади.

Юзлаштириш ўтказаетган терговчи гувоҳ ва жабрланувчи ёлғон кўрсатув берса, шунингдек, кўрсатув беришдан бўйин товласа, ЖКнинг 238 ва 240- моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади. Гумон қилинувчи ва айбланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганликлари учун жавобгарликка тортилмайди. Аммо, улар ёлғон кўрсатув берсалар, жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳақда огоҳлантирилишлари лозим.

Моҳиятан, юзлаштириш тергов ҳваракатининг икки жиҳати мавжуд бўлиб улар юзлаштиришнинг процессуал ва ҳуқуқий жиҳатларида намоён бўлади. Юзлаштиришнинг процессуал жиҳатлари сўроқ тергов ҳаракатини ўтказишнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари билан узвий боғлиқликдалигида кўринади.

Бу қоидадан ҳулоса қиладиган бўлсак дастлабки тергов жараёнида юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишда сўроқ қилишнинг ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишнинг умумий қоидаларига қатъий амл қилган ҳолда ташкил этилади ва ўтказилади.

Юзлаштириш тергов ҳаракати ўз моҳиятига кўра далилларни тўплаш ва уларни баённомада мустаҳкамлаб қўйилиши мазкур тергов ҳаракатининг ҳуқуқий жиҳатини қамраб олади. Юзлаштириш сўроқнинг умумий қоидаларига асосланади деб таъкидлаб ўтдик.

Сўроқнинг умумий қоидаларида уни ўтказиш жойи, вақти, иштирокчиларни чақириш таритиби, уларни шахсини аниқлаш, ҳуқуқларини тушунтириш, эркин сўзлаб бериш ҳуқуқини тақдим этиш, йўналтириувчи саволлар беришга йўл қўймаслик, илгари кўрсатувларда берилган кўрсатмаларни уқиб эшиттириш, ашъёвий далилларни



кўрсатишни ўз ичига қамраб олади. Буларга батафсил кейинги режаларда тўхталиб ўтамиз. Ҳозир эса ушбу тергов ҳаракатини вужудга келиши тарихи ҳақида тўхталиб ўтсак.


Мазкур тергов ҳаракатининг номига алоҳида эътибор берадиган бўлсак юзлаштириш тергов ҳаракати икки шахсни юзма-юз қўйиб сўроқ қиилш маъносини англатади. Юзлаштириш жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш воситаси, алоҳида ҳуқуқий институт сифатида ўрта асрларда XI-XII-асрларда рус ҳалқининг “Рус ҳақиқати” номли қонунлар жамланмасида ҳам қайд этиб отилган.

Маълумки “Рус ҳақиқати” рус ҳалқи учун феодализмнинг илк даврини ўз ичига қамраб олган ўша вақтларда қонунларнинг асосий кодекслаштирилган манбаларидан бири бўлиб ҳисобланган. “Рус ҳақиқати” ўз ичига мазкур ҳалқнинг кўп йиллардан буён шаклланиб келаётган урфодатларини, князликнинг бошқарувдаги роли, черковларнинг судлов фаолияти ва бу борадаги амалиётини, фуқаровий-ҳуқуқий шартнома ва битимларни, шунингдек, князликнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятини қамраб олган.

Бундан ташқари, “Рус ҳақиқати”да жиноят ишларини юритиш жараёнини тартибга солувчи алоҳида бўлим ҳам мавжуд. Ушбу бўлим мулквий ёки маънавий зарар етказган шахсни, ўғрини ёки бошқа жиноят содир этган шахсларни ҳамда ўз айбига иқроқ бўлиб келган шахсларни ушлаб туриш учун феодаллар томонидан йўлланган қилган мурожатидан бошланган. Бу ерда тарафлар бўлмиш аризаси ва ҳуқуқбузар ўртасидаги низода қарама-қаршилик характерининг айрим элементининг мавжудлигини кўриш мумкин.

Мазкур манбада жиноят ишларини муҳокама қилиш ҳам ўз ичига бир неча босқичларни қамраб олган, жумладан: “изларни аниқлаш” яъни жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ёки қидирилаётган шахсларни тергов қилиш босқичи, “хулоса” яъни одамлар кўп тўпланандиган жойларда содир этилган жиноят ва уни содир этган шахслар ҳақида ҳабар қилиш кабилардан иборат бўлган. Ўша пайтларда “Рус ҳақиқатида” ҳозирги кундаги қонунчилигимизда мавжуд бўлган юзлаштириш тергов ҳаракатига мантиқан ўхшаш булган исботлаш воситалари мавжуд бўлган.

Унинг мазмуни шундан иборат эдики, агарда мулкдор ўзининг талон-тарож қилинган мулкни бошуа бириовнинг эгалигида кўриб, уни таниб олса мулки талон тарож қилинган мулкдор билан ҳозирги вақтда мулк



эғалида бўлган шахс юзлаштирилган. Агарда мулкка ҳозирги вақтда эғалик қилаётган шахс ҳам уни бошқа бировдан олганлигини маълум қилса у билан ҳам юзлаштириш ўтказилган. Шу тариқа ҳақиқий айбдор қникланган.⁴

Ҳозирги кундаги юзлаштиришга ўхшаш бўлган айбдорларни қидирувига оид суд ҳаракатларини Иван III нинг қонунлар тўпламида ҳам кўриш мумкин. Шундай қилиб, жиноят содир этишда айбланаётган шахс у билан олиб борилган тушунтириш ишлари давомида у бошқа бировга карши кўрсатма берса уни ҳам суд жараёнига олиб келинган ва айбланувчи билан юзлаштирилган. Кейинчалик мазкур институт такомиллаштирилиб борилган.

Биз юзлаштиришга оид батафсил маълумотларни Россия давлатининг 1649 йилда қабул қилинган қонунлар тўпламидан ҳам топишимиз мумкин. Мазкур қонунлар тўпламида жиноятни фош қилиш ва ҳақиқатни аниқлашга қаратилган яъна бир қатор йўллар, воситалар келтириб ўтилган бўлиб, улардан энди нафақат суд жараёнида балки ишни судга қадар юритиш босқимчида ҳам фойдаланишга изн берилди.

Ўша вақтларда жиноят содир этишда гумон килинувчиларни қийноққа солишга рухсат этилган, айниқса ушбу жиноятлар давлатга қарши қаратилган бўлса. Бу даврларда юзлаштириш ўтказиш вақтида бевосита қийноқдардан ҳам фойдаланилган. Юзлаштиришдан кейинги лаврларда, жумладан, абсолютизм даврида ҳам жиноят ишлари бўйича далиллар тўплашда фойдаланиб келинган. Вақт ўтиши билан қонунчиликни такомиллаштириш оқибатида, юриспруденсиянинг алоҳида йўналиш сифатида ривожланиши билан бир вақтда юзлаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга ҳам катта эътибор қаратила бошланди.

Н. Орлованинг 1833 йилдаги “Тергов қилиш қўлланмаси”да ҳам, Я.Ш. Баршеванинг 1841 йилда нашрдан чиққан “Жиноят ишини юритиш асослари” номли қўлланмасида ҳам жиноятларини самарали тергов қилиш ва очиш, бу борада юзлаштириш тергов ҳаракатидан фойдаланиш бўйича бир қатор тактик ва меъодик қўлланмалар келтириб ўтилган. Тадқиқ этилаётган юзлаштириш тергов ҳаракатига берилган дастлабки илмий таърифни Брокгауз в Эфронанинг 1897 йилда нашрдан чиққан юридик энциклопедиясидан ҳам олишимиз мумкин.

^{4 4} Быховский И.Е. Процессуальные и тактические вопросы системы следственных действий: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - М., 1976. - С. 6-7.



Мазкур юридик энтиқлапедияга кўра юзлаштириш деганда бир вақтнинг ўзида икки шахсни бир мазмундаги саволлар бўйича сўроқ қилиш сифатида таърифлаб ўтилган. Инқилобгача бўлган даврдаги рус ҳуқуқшунос олимлари юзлаштириш тергов ҳаракатини процессуал тпбиатини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмаганлар.

Шунга қарамай рус олимларидан бўлмиш И.Я.Фойницкий ва Л.Э.Владимировлар ўзлари олиб борган илимий изланишлари оқибатида юзлаштиришга бир хил таъриф бериб ўтганлар, жумладан, юзлаштиришни икки гувоҳларнинг кўрсатмаларидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этиш учун ўтқазиладиган тергов ҳаракати сифатида таърифлаб ўтганлар. Жиноят процессида юзлаштириш тергов ҳаракатининг ривожланишинига янги туртки бўлиб совет давридаги ислохотлар бўлди.

Совет даврида А.Я.Вишинскийнинг умумий раҳбарлиги асосида нашрдан чиқарилган дастлабки криминалистикага оид дарсликларда юзлаштириш илгари алоҳидаалоҳида сўроқ қилнган икки ёки ундан ортиқ шашсларнинг берган кўрсатмаларидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этиш мақсадида улар ўзлари ҳозир бўлгани ҳолда бир вақтнинг ўзида сўроқ қилиш сифатида таърифлаб ўтган.

Ўша вақтлардаги процессуал қонунчиликда юзлаштириш тергов ҳаракатининг мазмуни жуда кам маълумотлар келтириб ўтилган. Жумладан, ўша кодекснинг 290-моддасида “ҳар бир гувоҳ бошқа гувоҳлар ҳузурида қайта сўроқ қилиниши, шунингдек зарурат бўлса улар билан юзлаштирилиб сўралиши мумкин” лиги келтириб ўтилган.

1960 йилдаги Россия Жиноят процессуал кодексидида юзлаштириш энди чинакамига сўроқ қилиш тергов ҳаракатидан ажратилиб, мазкур кодекснинг алоҳида икки моддаси яъни 162 ва 163-моддаларида мустақамланиб ҳаттоки мазкур тергов ҳаракати алоҳида бобга жойлаштирилган. Ушбу Кодексда юзлаштириш тергов ҳаракатига алода таъриф бериб ўтилмаган, лекин мазкур Кодекс талабларига кўра терговчи агарда илгари сўроқ қилинган икки шахслар ўртасида юзлаштириш ўтказишга ҳақли эканлиги, агарда мазкур шахсларнинг кшрсатмаларида жиддий қарама-қаршилиқ мавжуд бўлса ўтказишга ваколатли эканлиги қайд этилаган.

Шундай қилиб, мазкур Кодексга қарама-қаршилиқнинг моҳияти тушунчаси, юзлаштириш тергов ҳаракатлари иштирокчилари орасида эса янги фигура – жабрланувчи пайдо бўлган (РСФСР ЖПКнинг 163-моддаси



1-қисми). Криминалистикага фанларига оид дастлабки энциклопедияда унинг муаллифи бўлмиш Р.С.Белкин бошқа бир қатор тергов ҳаракатлари қаторида юзлаштириш тергов ҳаракатига ҳам ўзининг таърифини бериб ўтган. Унга кўра юзлаштириш шундай тергов ҳаракатики у илгари бир ҳил ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинган ва мазкур шахсларнинг сўроқларида жиддий қарамқаршилик мавжуд бўлганида ўтказиладиган тергов ҳаракатидир.⁵

Жиноят процессуал қонунчилигининг ривожланиш босқичларида кўплаб ғарб давлатлари юзлаштириш тергоа ҳаракатини сўроқнинг бир тури сифатида ҳисоблайди. Мисол тариқасида оладиган бўлсак Германиянинг жиноят процессуал қонунчилиги ҳам ўзига хос жиҳатларга эга. Унга кўра юзлаштириш бир гуруҳ шахслар орасида бўлган айбланувчини шахсини аниқлаш мақсадида у очиқчасига ёки яширинча гувоҳ ва жабрланувчиларга кўрсатилиши, шунингдек дастлабки терговда иштирок этаётган кўрсатувларидаги қарама-қаршиликлари бўлган шахсларга ҳам кўрсатилиш мумкин.

Унга кўра гувоҳ кўрсатма беришдан бош тортганида ҳам юзлаштириш ўтказишга розилик билдириши, айбланувчи эса иш бўйича ҳеч қандай кўрсатма бермаса ҳам юзлаштириш ўтказишга розилик билдириши керклиги кўрсатилиб ўтилган.

Шундай қилиб, ГФРнинг жиноят процессуал қонунчилигига кўра юзлаштириш икки вариантда ўтказилиш мумкин. Унинг биринчи кўриниши бизнинг жиноят процессуал қонунчилигимиздаги таниб олш учун кўрсатиш тергов ҳаракатига ўхшаб кетади, ундан фарқли жиҳати шуки ГФРнинг қонунчилигидаги юзлаштиришнинг мазкур турида таниб олувчига яширинча амалга оширилиши мумкин.

Кейинги юзлаштириш кўриши эса бизнинг жиноят процессуал қонунчилигимиздаги илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувларида жиддий қарама-қаршилик мавжуд бўлганида ўтказиладиган юзлаштириш тергов ҳаракатининг ўзгинаси ҳисобланади. Шундай қилиб, юзлаштириш тергов ҳаракатининг пайло бўлиши ва ривожланиб боришини кўриб чиқар эканмиз биз юзлаштиришни ўрта асрларда яъни XI-XII-асрларда рус ҳалқининг қонунлар жамланмаси бўлмиш “Рус ҳақиқати”да исботлаш воситаларидан бири сифатида мустаҳкамланганлигини кўриб чиқдик.

^{5 5} Быховский И.Е. Процессуальные и тактические вопросы системы следственных действий: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - М., 1976. - С. 6-7.



Юзлаштириш тергов ҳаракатини ривожланишига кейинги янги турткилардан бири собиқ совет даври бўлиб ҳисобланишини айтиб ўтдик. 1960-йилда қабул қилинган собиқ Совет Россиясининг Жиноят процессуал кодексига юзлаштиришни сўроқ қилишдан ажратиб, уни алоҳида бобнинг 162-163-моддаларида қайд қилинган. Россия Федерациясининг 2001 йилдаги ЖПКда 26-боби “Сўроқ.

Юзлаштириш. Таниб олиш учун кўрсатиш. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш.” деб номланган бобида келтириб ўтилган. Бу ўз навбатида юзлаштиришни сўроқ қилиш тергов ҳаракатидан кейин ва айна бир бобда жойлаштирилиши юзлаштириш ўтказишда сўроқнинг умумий қоидаларига амал қилишини билдиради албатта.

Бизнинг давлатимиз ҳам бошқа бир қатор давлатлар сингари узоқ йиллар мобайнида собиқ иттифоқ таркибида бўлиб, кўп йиллик курашлардан сўнг мустақилликка эришгач ўзининг тараққиёт йўли, давлат ҳокимияти, суд-ҳуқуқ тизимини шакллантира бошлади. Бунда мамлакатимиз қатор илғор мамалакатларнинг, шу жумладан Россиянинг тажрибасидан фойдаланиб ўзимизни намунамизни ишлаб чиқиш чоралари кўрилган. Бундан албатта суд-ҳуқуқ тизими, жиноят процессуал конунчилиги мустасно эмас албатта. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят процессуал кодексига ҳам юзлаштириш сўроқ қилишнинг умумий қоидалари асосида ўтказилиши белгиланиб ЖПКнинг сўроқ қилишни тартибга солувчи бобларидан кейинги 13-бобида, 122-124-моддаларида мустақамлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 122-моддасига кўра юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарамақаршилиқлар бўлганда бу қарама-қаршилиқларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади. Юзлаштириш бир вақтнинг ўзида икки шахсни сўроқ қилиш орқали улар томонидан илгари берилган кўргазмалардаги жиддий қарамақаршилиқларни бартараф этиш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳисобланади.

Бу икки шахсларнинг илгари берган кўрсатувлари ўртасидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этиш, воқеа тафсилотлари юзасидан ҳақиқатни акс эттирувчи маълумотни аниқлаш ва унга тегишли ҳуқуқий баҳо бериш учун амалга оширилади. Илгари сўроқ қилинмаган шахслар ўртасида юзлаштириш ўтказиб бўлмайди.⁶

⁶ «Жиноят процесуал ҳуқуқи» дарслик ТДЮУ Тошкент 2018.

Мабодо илгари сўроқ қилинган шахсларнинг маълум бир воқеа ҳақидаги кўрсатувларида қарама-қаршилиқлар жиддий бўлмаса ва аниқланиши лозим бўлган ҳолат иш бўйича хулоса мазмунига таъсир қилмаса, юзлаштириш ўтказилмайди. Терговчи шахсларнинг кўрсатувларидаги қарама-қаршилиқлар жиддий ёки жиддий эмаслигини мустақил равишда белгилайди. Агар илгари сўроқ қилинган шахс бошқаларнинг кўрсатувини инкор қилиш учун юзлаштириш ўтказилишини талаб қилса, лекин бундай зарурият бўлмаса, терговчи талабни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Терговчи ўз қарорида юзлаштириш лозим эмаслиги ҳақидаги ўз асосларини батафсил баён қилиб бериши шарт.

Юзлаштириш илгари берилган кўрсатувларни такрорлаш ёрдамида далиллар саноғини сунъий ошириш учун ўтказилмаслиги зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Isamiddin Ismailov 1, & Abduxalilov Hojiakbar. (2022). «Geoaxborot tizimini amaliyotga joriy etish – o'zbekiston respublikasi ichki ishlar organlaridagi isloxlarning asosiy yo'nalishi». World Scientific Research Journal, 2(1), 41–53. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/37>
2. Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурод ўғли 2022. жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар . Pedagog's jurnali. 23, 1 (Dec. 2022), 183–187.
3. Абдухалилов, Ҳ., & Турсуналиев, Д. (2023). Глобал интернет тармоғининг ёшлар тарбиясига таъсири. В ilm-fan (Т. 1, Выпуск 30, сс. 81–83). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10159776>

